

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА  
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ

ГЕОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Геология фанлари  
Университети ректори  
Б.Ф.Исламов

2020 йил “29” 08

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2020 йил “29” 08

Рўйхатга олинди: № БД - У66/103,105,201

2020 йил “29” 08

ХОРИЖИЙ ТИЛ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300 000 - Ишлаб чиқариш-техник соҳа 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук 100 000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	310 000 - Мухандислик иши 230 000 – Иқтисод 140 000 - Табiiй фанлар
Таълим йўналиши:	Барча таълим йўналишлари учун

ТОШКЕНТ – 2020

Фан/модуль коди UGF	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 1,2	ECTS - Кредитлар 6	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 2	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Хорижий тил	60	120	180
2.	<p><b>I.Фаннинг мазмуни</b></p> <p>Нофилологик йўналишларда Хорижий тилни ўргатишдан асосий мақсад - келгуси мутахассисларда кундалик ҳаётлари, илмий ва касбий фаолиятларида чет тилидан эркин фойдаланувчи мутахассисларни тайёрлаш. Шу билан бирга, уларда ватанпарварлик хиссини ривожлантириш, мустақил изланиш, билим ва кўникмаларини дарсдан ташқари, ОТМни битирганларидан кейин ҳам ривожлантириш малакаларини ҳамда умумбашарий ва соҳага оид мавзуларда илмий мақолалар ёза олиш, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги <b>вазифалар</b> илгари сурилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- талабаларнинг нутқ (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш), тил (лексик, грамматик), ижтимоий-маданий ва прагматик компетенцияларини ривожлантириш;</li> <li>- илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;</li> <li>- умумбашарий ва миллий кадриятлар билан таништириш, маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамдустлик ҳисларини сингдириш;</li> <li>- илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш;</li> <li>- талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиқиб, мустақил иш топшириқларини тўғри ва аниқ кўрсатмалар бериш орқали ташкил этиш.</li> </ul> <p><b>II. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар</b></p> <p>Ушбу дастур талабалар учун белгилаб берилган B2 (CEFR) ва ундан юқори даражаларни эгаллашга қаратилган. Ушбу даражага эришиш талабаларда илмий ва соҳавий фаолиятда юзага келадиган тил билан боғлиқ вазиятларда эркин мулоқотга киришишларини ва вазиятни самарали ҳал қилишларини таъминлайди. Намунавий дастур асосида кафедраларда нофилологик йўналишлар учун мутахассислик доирасидан келиб чиқиб силлабуслар ва амалий машғулотлар контенти ишлаб чиқилади.</p> <p>Амалий машғулотларда нутқий компетенциянинг ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш кўникма ва малакалари <i>интеграциялашган равишда</i> олиб борилади. Мавзунинг моҳияти ва мутахассислик хусусиятларидан келиб чиқиб, у ёки бу кўникма ва малака дарсларда асосий деб олинади. Бунда педагог турли педагогик метод ва технологиялардан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:</p> <p><b>Диалог</b> - ижтимоий мавзуларда суҳбат ва норасмий диалог; касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар; мунозарани бошқариш, интервью,</p>			

музокаралар ва телефон орқали мулоқот олиб бориш;

**Монолог** - ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиш; мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш; реклама ва махсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш қилиш; маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилиш;

**Ўқиш** - танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиш; махсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиш; махсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиш;

**Ёзма нутқ** - турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва махсус докладлар (эслатма CV ва ҳоказо) ёзиш; эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш;

**Тинглаб тушуниш** - аутентик материалларни 2 марта эшитиб асосий мазмунини тушуниш, зарур ахборотни олиш ва уни баён эта олиш; кундалик янгиликлар, репортажларни, фильм қаҳрамонлари нутқини тушуниш.

### **Билим ва кўникмаларни соҳага йўналтириш**

Касбга йўналтирилган босқичнинг асосий мақсади:

- нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий эгаллаш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

### **Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:**

Фан дастурининг асосий қисми мазмуни лингвистик компетенциялар бўйича қуйидагича кўринишда акс этади:

#### **1. Ўқиш:**

Бир академ ўқув йили давомида ҳафтасига турли мавзулар ва соҳага оид матн (1200 - 1500 белги) устида ишлаш.

#### **2. Ёзув:**

- табрикномалар ва эслатмалар ёзиш;
- норасмий ва расмий хатлар ёзиш;
- турли мавзулардаги матнларга қисқача хулоса (Summary) ёзиш;
- турли мавзуларда 200-250 сўздан иборат эссе ёзиш.

#### **3. Тинглаб тушуниш:**

- радио, интернет ва телевидение дастурлари ва уларда узатилган интервьюларни;
- таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни тинглаб тушуниш.

#### **4. Гапириш:**

**Умумий мавзулар** - ўзи ҳақида, оиласи ҳақида, иш куни, сеvimли машғулоти, бўш вақтини ўтказиши, кундалик ҳаёт ва х.к.;

**Ижтимоий мавзулар** - маиший масалалар, шахс ва касб психологияси ва одоби, атроф-муҳит муҳофазаси, глобал муаммолар;

**Ижтимоий-маданий мавзулар** - илмий ва соҳага оид вазиятларда маданий тафовутлар, дунё ва тили ўрганилаётган мамлакатлар, уларнинг маданий, ижтимоий хусусиятлари, хорижий тил ва унинг туганган ўрни;

**Таълим мавзулари** - таълим тизими, давомли таълим, дунёнинг етакчи университетлари, маърузалар, илмий мақола, тезислар ёзиш, ўқиш, ўрганиш ва тақдимот қилиш стратегиялари;

**Интернет ва ахборот технологияларига оид мавзулар** - жаҳон ва юртимиз миқёсидаги фан ва техника янгиликлари, ютуқлари, кашфиёт ва ихтиролар, интернет

тармоқдаридан фойдаланиш, сўнги технологиялар;

**Мутахассислик соҳасига оид мавзулар** - соҳа йўналишлари, долзарб мавзулари, хужжатлар юритиш, касбий этика, музокаралар олиб бориш, мутахассислик соҳасидаги илмий ва амалий ютуқлар, инновацион ғоялар ва янгиликлар, соҳанинг етакчи олимлари ва уларнинг фандаги ўрни.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### **III. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Хорижий тил фанидан мустақил ишларнинг мақсади - амалий машғулотлар давомида олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборат экан, бунда албатта фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилган мустақил таълим топшириқлари дарс машғулотлари мавзусидан келиб чиққан бўлиб, кўтарилган мавзулар талабаларга лойиҳа ишларини амалга ошириш, ва тақдимотлар (слайд, ҳисобот, муаммоли вазият ва ҳ.з.) тайёрлашларига, юклатилган мавзуларга ижодий ёндошишларига имкон яратиши, ҳамда ҳар 4 кўникма ва малака (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш) ни ўз ичига олиши лозим.

#### **Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

**Ўқиш** - амалий машғулотларда берилган мутахассисликка оид матнлар ва бошқа оғзаки мавзулар юзасидан қўшимча материалларни мустақил ёки гуруҳлар билан ўрганиш, таҳлил қилиш, улар асосида тақдимотлар яратиш;

**Ёзув** - машғулотларда ёритилган мавзулар асосида берилган ёзма ишларни амалга ошириш ва унда ўз фикрларини ёзма баён этиш, турли эркин мавзуларда эсселар ёзиш;

**Тинглаб тушуниш** - ўқитувчи томонидан белгиланган аудио ёки видео материалларга ўз фикрини билдириш;

**Гапириш** – мавзулар бўйичатайёрланган тақдимотларни оғзаки тақдим этиш, савол-жавобларда иштирок этиш, турли мавзуларда, яъни сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий мавзуларда суҳбат қуриш ва танқидий фикр билдириш.

*Изоҳ:* Мустақил ишлаш учун тавсия этиладиган оғзаки мавзуларга таълим муассасалари ва уларнинг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда келтирилади.

### **3. IV. Қутиладиган натижалар (талабада шаклланадиган компетенциялар)**

#### **Фанни ўзлаштириш натижасида талабанинг:**

- нутқи (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш), тили (лексик, грамматик), ижтимоий-маданий ва прагматик компетенциялари ошади;
- илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан термин ва атамаларни ўрганиши натижасида оғзаки ва ёзма баён этиш кўникма ва малакалари ривожланади;
- умумбашарий ва миллий қадриятлар билан танишиш орқали маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамдустлик, ватанпарварлик туйғуларига эга бўлади.

4.	<p><b>V. Таълим технологиялари ва методлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• диалог, монолог, дебат;</li> <li>• танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш;</li> <li>• муаммоли вазият ва кейс-стадилар;</li> <li>• мантикий фиклаш, тезкор савол-жавоб, ақлий хужумлар;</li> <li>• гуруҳларда ишлаш;</li> <li>• тақдимотлар қилиш;</li> <li>• индивидуал лойиҳалар;</li> <li>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар ва ҳоказо.</li> </ul>
5.	<p><b>VI. Кредитларни олиш учун талаблар:</b></p> <p>Фанга оид амалий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, ўрганилаётган мавзулар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш, ҳамда жорий, оралик ва якуний назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш.</p>
6.	<p style="text-align: center;"><b>Асосий адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бокиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқадар. Scale up, Student's book, Course 1, 2, 3. Т. Гафургулом, 2015.</li> <li>2. Бокиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқалар. Scale up, Workbook, Course 1, 2, 3-Т. Гафургулом, 2015.</li> <li>3. Schritte International 1./2./3. Kursbuch+Arbeitsbuch. Daniela Niebisch, Sylvette Penning-Hiemstra, Franz Specht, Monika Bovermann, Monika Reimann. Ismaning: Hueber Verlag, 2006.</li> <li>4. Ширинова Р.Х. Француз тили // Дарслик. - Т.: Сано стандарт, 2015 (иккинчи нашр, 2017).</li> <li>5. ЯкубовЖ., Давронова З. Francais de П. 2007.</li> </ol> <p style="text-align: center;"><b>Қўшимча адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент – 2016.</li> <li>2. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент – 2017.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 610-сонли қарори.</li> <li>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 2909-сонли қарори.</li> <li>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5598-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5598/2313-сон)</li> <li>6. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли фармони (08.10.2019).</li> </ol> <p style="text-align: center;"><b>Хорижий тил (инглиз тили учун)</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. "British Council - EQUALS Core inventory for general English". - Copyright British Council/EQUALS, ISBN: 978-086355-653-1, 2010</li> <li>2. Бокиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқалар. Scale up. Teacher's book. Course 1, 2, 3. -Т.: Гафургулом, 2015</li> <li>3. Аловитдинова Х., РаджабоваД. ваб. English for ESL and ESP learners. -Т.: ТМУ,</li> </ol>

- 2012.
4. Word Wise. Study skills in English for higher education students in Uzbekistan by Martin Seviour/ "Sharq" publishing house, 1997.
  5. Tilbury A., Hendra L. A. English Unlimited. Upper Intermediate B2. Student's Book. Cambridge University Press, 2011.
  6. Tilbury A., Hendra L. A. English Unlimited. Upper Intermediate B2. Teacher's Book. - Cambridge University Press, 2011.
  7. Jordan, R. English for Academic Purposes. - Cambridge University Press, 1997.
  8. Бабаева С.Р. Инглиз тили. Биология факультети талабалари учун ўқув кўлланма. Тошкент - 2015.
  9. Бабаева С.Р. The science of life. Тошкент- 2014.
  10. "English for Geographers" Ужик В.О., Черкашина Н.И., Сергеева О.А./ Харьков- 2008
  11. Холина Д.А., English for students of Physics, Воронеж, 2011.
  12. Alex Frith, Minna Lacey, Lisa Jane Gillespie, What is Maths all about? Usborne Publishing Ltd - 2012
  13. Черкашина Н. И., Ужик В. О., Авдеенко И. М. ENGLISH for GEOLOGISTS. 2013
  14. Chris Gough. English Vocabulary Organiser. LTP Language, 2001.
  15. Качалова К.Н. Грамматика английского языка. Бишкек - 2007.
  16. John & Liz Soars. Headway. Intermediate. Oxford University Press - 1999.
  17. Adrian Tennant. Straight forward. Pre-Intermediate. Student's Book. 2<sup>nd</sup> edition. Macmillan, 2007.
  18. Kerr P., Jones C Straightforward. Intermediate. Student's Book. 2<sup>nd</sup> edition. - Macmillan, 2007.
  19. Scrivener J., Bingham C, Tennant A., Wasserman S. Straightforward. Intermediate. Teacher's book- Macmillan, 2007.
  20. Колодяжная Л. This is Great Britain. Москва- 2000.
  21. English Grammar in Use by R. Murphy Cambridge University Press, 1999
  22. Лутфуллаева М. English in topics. Тошкент - 2002.
  23. Назарова Д.О. Famous people of English speaking countries. Тошкент - 2015.
  24. Розанова Л.Г. Англо-русский словарь для ведения научных дискуссий. - М.: Глосса-Пресс, 2002.

#### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.teachingenglish.org.uk/think/articles/listening>
2. <http://www.teachermentors.com/MCenter%20Site/BegTchrNeeds.html>
3. <http://www.inspiringteachers.com/>
4. [www.examenglish.com](http://www.examenglish.com)
5. <http://iteslj.org/>
6. <http://iteslj.org/Techniques/Ross-ListeningComprehension/html>.
7. [www.google.dehttp://www.learn-german-online.net/learning-german/resouces](http://www.google.dehttp://www.learn-german-online.net/learning-german/resouces)
8. <http://www.canoo.net/services/OnlineGrammar/Wort/>
9. [www.langenscheidt.de/optimal](http://www.langenscheidt.de/optimal).
10. [www.daad.de/international-programmes](http://www.daad.de/international-programmes).
11. [www.inter-nationes.de](http://www.inter-nationes.de).
12. [www.goethe.de/taschkent](http://www.goethe.de/taschkent).

\* *Изоҳ:* Ҳар бир ОТМ фан бўйича таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чикиб,

	<p>адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритиши мумкин.</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “29” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “29” 08 даги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p><b>Фан/модуль учун маъсуллар:</b></p> <p>Ш.С.Қодирова - Геология фанлари университети Факультетлараро умумтаълим фанлари кафедраси катта ўқитувчи</p>
9.	<p><b>Такризчилар:</b></p> <p>И.А.Жўраева – ЎзМУ, Хорижий филология факультети декани, ф.ф.н., доцент</p> <p>Ж.Джумабаева - ЎзМУ, Инглиз филологияси кафедраси мудири, филология фанлари доктори</p>